"ЭКСПО - 2000" - ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Дунёнинг 150га яқин мамлакати XXI аср бўсағасида Германияда "ЭКСПО-2000" кўргазмасини ўтказиш учун йиғилади. Мана шу мамлакатлар ичида Ўзбекистон ҳам бор. Шу муносабат билан куни кеча Тошкентнинг экология ва саломатлик "ЭКОСАН" жамғармасида германиялик меҳмонлар қабул қилинди.

"Биз,– деди йиғилишда республика "ЭКОСАН" жамғармаси президенти Ю. Шодиметов, -Германияда ташкил этилаётган "ЭКСПО-2000" халқаро кўргазмасига ўзимизнинг "Инсон, табиат, техника" муаммоларини акс эттирувчи лойиҳаларимизни тавсия этамиз. Негаки, бу кўргазма инсон, табиат, экология ва техникага боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ИЛМОЙИ 28 ИЮНЬ

КУНЧИҚАР ЮРТДА ЎҚИШАДИ

Япония ҳукумати "Манбушо" ("Таълим") дастури бўйича Ўзбекистоннинг олий маълумотли мутахассислари кунчиқар мамлакат университетларида таълим олиши учун махсус ўринлар ажратди. Ҳозир Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонасида талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш бошланди. Тест синовидан ўтганлар шу йил сентябрь ойи бошларида уммон орти мамлакатининг энг машҳур дорилфунунларида ўқишни бошлашади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

"АМЕРИКЕРЗ" ХАЙРИЯСИ

АҚШнинг "Америкерз" хайрия жамғармаси бухоролик болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаяпти. Яқинда мазкур жамғарма вакиллари Бухорога 4 тоннадан зиёд тиббиёт анжомлари, дори-дармонлар ва кичкинтойлар озиқ-овқатларини олиб келдилар. Айни пайтда бу мурувват ёрдами "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси вилоят бўлими орқали болалар шифохоналарига улашиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЯНГИЛИК, ФАКТЛАР

КУЙГАНЁР ҚУВУРИ

Андижон вилоятидаги Куйганёр темир-бетон буюмлари заводида янги маҳсулот тайёрлашга киришилди. Узунлиги 1 метр темирбетон қувурларнинг ишлаб чиқарилиши кўпчиликка маъқул келмоқда.

Бундай қувурлар бинолар олдини тўсиш, сув ўтказишда темир қувурлар ўрнини босиши мумкин. Ваҳоланки, бундай қувурлар илгари Фарғона вилоятидан келтирилар эди. Энди янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан транспорт харажати ҳам, иш вақти ҳам тежалмоқда.

Жалолиддин ТУРДИЕВ.

ИЛМОЙИ 28 ИЮНЬ

КАДИМИЙ ШАҲАРНИ КЕЗИБ

Хоразм вилояти газеталарининг ижодий ходимларидан бир гуруҳи қадимий шаҳарга сафар қилишди. Улар Баҳоуддин Нақшбанд қадамжосини зиёрат қилиб, шаҳар тарихи билан қизиқдилар. Мақсад ўзининг XXV асрлик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган кўҳна шаҳар тарихини вилоят газеталарида мукаммал ёритиш. Журналистларнинг бу ижодий сафарига "Ўзбектуризм" корпорациясининг вилоят бўлими ҳомийлик қилди.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 28 июнь, шанба № 75 (22.159).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1994 йил 28 июнь — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америкининг Томас Свейн бошчилигидаги «Чейз манхэттен банк» делегацияси аъзоларини қабул қилди. Ўзбекистон Миллий банки «Ч.М.Б» билан ўзаро муносабатлар ҳақида тегишли ҳужжат имзолади.***

1993 йил 29 июнь — ***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур ҳайкалини яратиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.***

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли журналистлар!

Сизларни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман!

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса, жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда сиз, қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ишончим комилки, заҳматкаш журналистларимиз яратилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан самарали фойдаланадилар, демократик ўзгаришларга турлича қарашларни эркин ва ҳаққоний ифодалаш орқали ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтарадилар.

Сизларни, жумладан, барча матбаачиларни, босмахона ишчи-хизматчиларини касб байрамингиз — миллий матбуот куни билан яна бир бор қутлар эканман, ҳар бирингизга озод ва обод мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақият, куч-ғайрат, соғлик-саломатлик тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни мустақил мамлакатимизда илк бор нишонланаётган касб байрамингиз — савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни билан самимий қутлайман!

Сизнинг хизматингиздан кундалик ҳаётда ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро бевосита баҳраманд. Зеро аҳоли таъминоти, бозорларимиз тўкин-сочинлиги, турмуш маданиятини юксалтириш сизнинг фаолиятингиз билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, инсон манфаатларини ўйлаб сидқидилдан хизмат қилиш — улуғ савоб.

Диёримизда амалга оширилаётгн ислоҳотлар савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат ходимлари фаолиятига ҳам катта эркинликлар берди. Истеъмол бозорини янада тўлдириш, янги иш жойлари очиш мақсадида кичик корхоналар, савдо ва сервис шаҳобчалари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, шу йўл билан фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган ўрта мулкдорлар синфи оёққа турмоқда. Мазкур соҳаларга хорижий сармоялар жалб этиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали эса Ўзбекистон жаҳон савдо тизимига дадил кириб бормоқда.

Бозор — ҳалол рақобат майдони. Ундан муносиб ўрин эгаллаш, беминнат хизмат кўрсатиб, одамлар дуосини олиш осон эмас. Бунинг учун, авваламбор, билимдон, тадбиркор, маънавий пок ва диёнатли бўлиш талаб қилинади. Ота-боболаримиз Буюк Ипак йўли бўйлаб эллардан-элларга моддий бойликлар билан бир қаторда илму маърифат ҳам элтганлар. Улардан мерос қолган қадриятлар — тўғрилик, хушмуомалалик каби инсоний фазилатларни қарор топтириш ҳам фарз, ҳам қарз. Лафзи ҳалол савдо ходимининг иши ҳамиша бароридан келади, уни харидор ва мижознинг ўзи қидиради, топгани бўюради.

Дунё савдо аҳлининг саъй ҳаракатлари билан маъмур. Ватанимиз равнақи, турмушимиз фаровонлиги йўлида замон талаблари ва аҳоли эҳтиёжига мос, фидокорона меҳнат қилишингизга ишонаман.

Сизларга соғлик-омонлик, тинч-тотувлик, ишларингизга файзу барака тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Кеча Москвада Россия ва Озарбойжон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси бўлди. Ушбу мажлисда икки мамлакат ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Чегара ёнидаги Самур дарёсидан ҳамкорликда фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.***

* * *

☑ ***Кеча «Адмирал Виноградов» кемасини Японияга расмий ташрифи бошланди. Японияннинг «Курамао» кемаси ўтган йили Владивостокка ташриф буюрган эди.***

* * *

☑ ***Швейцариянинг Кран-Монтана шаҳрида бўлиб ўтган 8-халқаро анжуманда Альп тоғларидаги дам олиш масканларида туризм ва транспортни ривожлантиришни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу Давос иқтисодий анжуманининг ўзига хос кўринишидир. Учрашув халқаро ноҳукумат ташкилотлари фонди томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг асосчиси ва президенти Жан Поль Картерондир. Анжуманда қатнашиш учун 80 мамлакатдан, шунингдек 18 давлат ва ҳукуматнинг раҳбарлари ҳамда 200 дан зиёд сиёсий арбоб, 500 га яқин ишбилармон кишилар қатнашмоқда.***

* * *

☑ ***Саккиз араб мамлакати умумий бозор ташкил қилишга қарор қилишди. Сурия, Миср, Саудия Арабистони, Кувайт, Уммон, Катар, Бахрейн ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма ҳужжат қабул қилишди. Уни Дамашқ декларацияси, деб аташди. Ҳужжатда айтилишича, унинг иштирокчилари умумий бозор ташкил этиш йўлидаги дастурларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган махсус қўмита тузишади. Мутахассисларнинг фикрича, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш дастлабки қадам бўлади.***

МАТБУОТЧИЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, истиқлол мафкурасини, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни беқиёс ортмоқда. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ташкил этилиши, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган қонунларнинг қабул этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Пойтахтимиздаги «Тошкентлэнд» истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлашга бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини республика Президенти Девони ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов ўқиб берди. Йиғилишда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғулолмов ва бошқалар ҳамкасбларини байрам билан қутлаб, уларнинг Ватанимиз равнақи йўлидаги ижодий фаолиятига муваффақият тилади. Қалам аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирилди.

Байрам қатнашчилари Ўзбекистон Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ўтказган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларини муборакбод этдилар.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. В. Воҳидовни Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Воситович Воҳидов Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. В. Воҳидовга иккинчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Алишер Воситович Воҳидовга иккинчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 июнь.

ДАРВОЗАДАГИ ТУЙНУК

Аэропорт — пойтахтимизнинг ҳаво дарвозаси. Бу ердан ҳар куни минглаб меҳмонлар шаҳримизга ташриф буюрадилар ва илк бор меҳмондўст юртимиз тупроғига қадам қўядилар. Мамлакатимиз, пойтахтимиз ва одамларимиз ҳақидаги биринчи таассурот ҳам шу ердан бошланади. Бинобарин, ҳайрлашув онларидаги илиқ хотиралар ҳам шу ердан ибтидо олади. Бу ҳақда анча сўз юритиш, аэропортимизнинг таъриф ва тавсифини келтиришимиз мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори, ҳукуматимизнинг катта кўмаги билан аэропортимиз чирой очди. Яратилаётган қулайликлардан одамларимиз мамнун бўлишмоқда. Шу билан бирга бу ерда мавжуд бўлган, йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги айрим ноқулайликлар қилинган улкан ишларга соя солиб туради. Ташқи кўринишидан мақтаса арзигудек, ҳаво дарвозамиз бор-у. Бироқ ичкариси... Ичкариси ҳам бинойидек, лекин ишингиз тушса борми, ранжиб қолишингиз ҳам мумкин, хизматлардан кўнглингиз тўлмайди. Ҳалиги қониқиш, шукроналик ўрнини аллақандай норозилик кайфияти эгаллайди. Яқинда таҳририятга келган қорақалпоғистонлик мухбиримиз Тўрткўлга учмоқчи бўлди. Бояқиш аэропортга икки кун қатнади — чипта йўқ. Учинчи куни дўстларидан қарз-қавола қилиб, кўпроқ пул билан борди. «Таниш-билишларни» қидиришга мажбур бўлди. Шундан сўнг чипта ҳам топилди, учиб ҳам кетди. Бу «ҳожатбарорлик» унга арзонга тушмаганини пайқагандирсиз, албатта.

Бунақа воқеалар ондасонда учрасайди, э, садқаи сар, дея қўл силтаган бўлардик. Афсуски, «таниш-билишчилик» иллати шундай илдиз отганки, энг кутилмаган жойларда ҳам бўй кўрсатиб қоляпти.

«Расмий делегациялар зали» аэропортнинг энг нозик жойи. Унинг вазифаси нималардан иборат эканини номининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Ривожланган мамлакатларда бу каби залларга катта эътибор берилади ва бу борада муайян жаҳон андозалари шаклланган. Кимлар кириши, бу зал хизматидан кимлар фойдаланиши мумкинлиги рўйхат билан қатъий белгилаб қўйилган. Аммо ҳозир бу жой ўз номига номуносиб тарзда «таниш-билишлар»ни кузатиш залига айлантирилган десак муболаға бўлмас. Чунки у айни пайтда Олий Мажлис депутатлари ва ҳукумат аъзоларидан кўра «таниш-билишларга» кўпроқ хизмат кўрсатаётир. Фикримизнинг далили учун мисол: 26 июнь куни кеч соат 19 да аэропортга бориб, «Расмий делегациялар зали»га кирдик. Хона йўловчилар билан лиқ тўла. Москва ва Нукусга учадиган йўловчиларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилаётган экан. Уларнинг кимлиги, шу хонанинг хизматидан фойдаланишга ҳақи бор-йўқлиги билан қизиқдик. Йўловчиларнинг аксарият қисми норасмий кишилар бўлиб чиқди. Хўш, улар бу ерга қандай келиб қолдилар, расмий делегациялар залининг хизматидан фойдаланишга ким рухсат берди?

Бу саволга жавоб топиш қийин бўлмади. Залнинг масъул ходими Грета Акопян махсус қайд дафтарини қўлимизга тутқазди. Маълум бўлишича, бу ердан ўтаётган норасмий йўловчилар, жайдари тил билан айтганда, таниш-билишлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи А.Рўзметов ва унинг ёрдамчиси М.Абдуллажоновнинг шахсан кўрсатмаси билан самолётларга чиқишаётган эканлар. Биз улардан айримларининг исми-шарифларини келтирмоқчимиз. 4975-рейс билан Қозонга Ш.Хайруллин ва Р.Хайруллин, 5071-рейс билан Киевга Р.Маҳмудов, Е.Маҳмудова, К.Муҳамедов. О.Шинкаренколар шулар жумласидан. Йўловчилар орасида оддий фуқаролар, тадбиркорлар, талабалар учрайди. Маҳкам Абдуллажоновнинг бундай ҳожатбарорлигининг саноғига етиш қийин. Сўнгги бир ойда унинг шахсан кўрсатмаси билан 114 йўловчига хизмат кўрсатилганини айтсак, унинг «фаолияти» қанчалик кенг қамровли эканини англаш қийин эмас. Шу даврда унинг раҳбари Арслон Рўзметов 63 йўловчини кузатишга кўрсатма берган. Миллий авиакомпаниянинг бошқа поғоналаридаги раҳбарлари ҳам шу хилдаги «ҳожатбарорлик» билан шуғулланишган.

Майли, бунга бизнинг эътирозимиз йўқ.

Фақат «Расмий делегациялар зали» ҳақидаги низом талабларига жавоб берса бас. Лекин бу талабни четлаб ўтиш ҳоллари кўпроққа ўхшайди. Божхона ходимлари билан биргаликда самолётга чиқаётган кишиларни кузатганимизда шунга амин бўлдик.

Ана энди пайқагандирсиз: расмий делегация зали пойтахтимиз ҳаво дарвозасидаги туйнукка ўхшайди. Ундан фақат таниш-билишларгина ўтади. Уларнинг эса чеки йўқ. Эҳтимол, шунинг учундир кейинги пайтда «расмий делегациялар зали»дан файз кетди, хизматларнинг тайини йўқ. Буфетга кирсангиз ҳатто идишлар, чойнак-пиёла етишмайди, дастурхонлар кир-чир, поёндозлар оёқ ости бўлиб топталиб кетган. Наҳотки бу жойни кирганда одамларнинг баҳри-дили очиладиган, учиқдан олдин ёки учиқдан кейин бир зум дам олиб, бир пиёла чой ичиб хордиқ чиқарадиган жойга айлантириш шунчалик қийин бўлса? Ҳафсаласизлик ҳам эви билан-да!

Ходимларнинг устибошини айтмайсизми. Йўловчилардан ажратолмайсиз. Қўмсаш эмас, илгари «Аэрофлот» пайтида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг бари махсус кийимларда юришарди. Аёлларга жуда ярашарди. Миллий авиакомпаниямизнинг нега махсус кийимлари йўқ?

— Хизмат кўрсатувчи ходимларимизга махсус кийим-бош берганмиз, — деди аэропорт бошлиғининг ўринбосари Ефим Найгис. — Лекин улар сифатсиз матодан, сифатсиз тикилган. Шу боисдан аёлларимиз кийиб юришни хушламаяптилар.

Ҳа, аёл кишининг таъби нозик бўлади. Махсус кийимларни уларнинг дидига мослаш керак. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Замонавий «Боинг» самолётларини сотиб олиб ҳаво йўлларида муваффақиятли ишлаяпмиз-ку. Наҳотки авиакомпаниямизнинг юзини белгиловчи махсус кийимкечакка келганда хориж ёрдамига кўз тикиб қолсак?

Энди «Расмий делегациялар залида»ги божхона хизмати ҳақида икки оғиз гап. Бу ерда ҳам йўловчилар божхона варақаси тўлдирадилар ва барча юкларни махсус назоратдан ўтказадилар. Биз божхона хизматининг қай даражада ташкил этилганини шарҳлаб ўтирмаймиз. Яхшиси эътиборингизга бундан уч кун аввал Тошкент аэропорт мажмуаси божхона хизмати бошлиғи Л.Кимнинг аэропорт бошлиғи А.Арапбоевга ёзган мактубини ҳавола этамиз».

«Ҳурматли Абдулла Раимбоевич! Божхона хизмати сизга маълум қиладики, энг оддий шароитлар ҳам йўқлиги сабабли 1997 йил 27 июндан эътиборан «расмий делегациялар зали»да ўз ишини тўхтатади. Шу билан бирга ушбу масала хусусида сизга бирнеча марта мурожаат қилганимизни, бироқ у ҳамон ўз ечимини топмаётганини билдирамиз»

Бизнингча, божхона хизмати аҳволига бундан ортиқ баҳо бериш қийин. Ахир ишлаш учун энг оддий шароит бўлмаган жойда қандай самарали ва сифатли ишлаш, ҳушёр туриш мумкин? Эҳтимол шунинг учун ҳам «таниш-билишлар» божхонанинг заифлигини билиб айни шу ердан ўтишга интилаётгандирлар.

— Бизда йўловчиларни текшириш, кўрикдан ўтказиш учун махсус хоналар йўқ, — деди «Расмий делегациялар залида»ги божхона пости нозири Фарҳод Янабоев. Ушбу рейдда биз билан фаол иштирок этган республика божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Равшан Тоиров унинг фикрини давом эттирди.

— Баъзи йўловчилар «расмий зал» орқали божхона назоратидан ўтиш осон деб ўйлайдилар. Йўқ, янглишадилар. Ходимларимиз бу ерда ҳам жиддий текширадилар. Ҳеч нарса назоратдан четда қолмайди. Масалан, яқинда бир шахс 15 минг АҚШ долларини олиб ўтмоқчи бўлганда ушланди. Ҳозир унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилаяпти.

Мана шунақа гаплар. Текширув чоғида бизга божхона ходимлари сидқидилдан ёрдам беришганини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Хулоса шуки, биринчидан, пойтахт ҳаво дарвозасидаги туйнукни беркитиш зарур. Бу ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашнинг ҳам талаби. Иккинчидан, нафақат расмий зал, балки бутун аэропорт мажмуасидаги хизматларни замон талаблари даражасига етказиш пайти келди.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Қонун ва шарҳ

ИЗИГА ҚАЙТАРИЛГАН ШИКОЯТНИНГ САМАРАСИ ЙЎҚ

Юртнинг тараққиёт йўллари кўп. Аммо унинг муҳимларидан бири аҳолининг ҳуқуқий маданиятни оширишдир. Қайси миллат, элат, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етган экан уша ерда ривож, юксалиш бор. Зуваласи ҳуқуқий тарбия билан йўғрилган халқда англашилмовчилик, оворагарчиликлар учрамайди. Негаки, у қачон, қаерда, қандай мурожаат қилишини билади.

Ҳуқуқий тарбия қаёқдан келиб чиқади?

Назаримда, ҳуқуқий тарбия бирданига туғилмайдиган жараён. У хоҳ шифокор, хоҳ деҳқон хоҳ ҳуқуқшуносми, аввало ахлоқий, маънавий тарбияли бўлмоғи лозим. Ўзининг қалбан поклиги, ҳалоллигини кўрсатмаган шахсда ҳуқуқий тарбия елимлаб қўйилгандек тюлавераді.

Биз юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топиши бош вазифамизлигини англадик. Айниқса, **куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони** аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигини кўрсатди.

Яшримаймиз. Оддий меҳнаткаш ўртасида ўз ҳуқуқини билмасдан сарсон бўлиш, гоҳида қўрқув ҳолатларига дуч келиш учрайди. Бригадирнинг «сени қамаб ташлайман» дейишидан чўчиб, лабига учқ тошиб кетган одамларни ҳам кўрганмиз. Ўша деҳқондаги ҳуқуқий онг, маданиятни кўринг, бригадирнингда савияси ҳам ўзига яраша. У кимки, бировни қамайдими? Аслида уям айтган гапининг маънисига тушунганида шундай дағдаға қилармиди?

Айрим ҳолларда шивир-шивир тарқалиб кетади. Фалончининг уйига милиция келганмиш. Тинчликмикан? Нега энди бизникига ички ишлар ходимлари кирмаслиги керак?! Ёки гапдан гап чиқиб прокуратурага бораман десангиз ҳатто юқори лавозимда ўтирганлар ҳам хавотирда қарашади. Энди ўйлайлик. Нега шундай? Чунки бу идоралар фақат жазоловчи орган деган эски фикр бор. Лекин Президентнинг ушбу Фармони бу шубҳаларни батамом тарқатиб юборди, деб ўйлайман.

Йиғинлар, учрашув, суҳбатларда юристларнинг малакасини ошириш маркази очилишини орзу қилинганига шоҳидмиз. Демакки, бу ҳам етилган масала экан. Ўшандан-да Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилиб, унда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари ва бошқа ташкилотлар ходимларини ўқитиш кўзда тутилган.

Албатта, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тарғибот-ташвиқотнинг роли баланд. Ўша учун ҳам Фармонда таъкидланган — жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналининг нашр қилиниши аҳоли қатламлари ўртасида «Қонун ҳимоясида», «Инсон ва қонун», «Постда» мисол сингиб боради.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилинсин».

Фармондаги бу таъкид оддий халқнинг орзуси. Лекин у бошқарма, бизнингча, жуда тезкор ишлайдиган бўлмоғи лозим. Унинг асосий эътибори аризачиларга шароит яратишга қаратилсагина у ҳуқуқий маданият ўчоғи эканлигига шубҳа қолмайди. Туман суди, адлия ходими устидан ёзилган шикоят текшириш учун яна ўзларига қайтарилса, бундай иш юритишнинг халққа кераги йўқ.

Фармоннинг аҳамияти яна шу билан белгиланадики, унда айтилган масалалар, ташкил этилиши лозим бўлган марказлар, бошқармалар, малака ошириш институтларининг хизмати нафақат ҳуқуқ идоралари ходимларини, турли бўғин раҳбарларини ўқитиш, балки шу орқали оддий халқни, меҳнаткашни ҳуқуқий саводини ошириш, уларнинг бу идораларга ишончини мустаҳкамлаш, суянчиғига айланишидир.

Курбон ЭШМАТОВ.

Партия ҳаётидан

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРЯПТИ

Маълумки, партиянинг барча дастурий вазифалари, қарорлари бевосита унинг қуйи бўғинларида амалга оширилади. ХДП марказий ва қуйи тузилмалари ўртасидаги муҳим боғловчи бўғин-шаҳар ва туман кенгашларининг бошланғич партия ташкилотларида ички партиявий ишларни давр талаблари асосида такомиллаштиришга ўз ҳудудлари шарт-шароитларини ҳисобга олиб жиддий ёндошиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг қарорига биноан шаҳар ва туман кенгашларида ҳар ойда котибларнинг ўқув машғулоти мунтазам ўтказиб туриляпти. Унда ўзаро иш тажрибаларини алмашиш ва уларни оммалаштириш бўйича бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам берилмоқда. Жумладан, Чиноз шаҳрида партия кенгашлари котибларининг ўқув машғулотида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби Ў.Турғунов қўйилган масалага катта аҳамият берди. Бу ерда партия ташкилотлари ишларини режалаштириш, партия тизимларини такомиллаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни расмийлаштириш соҳасида олиб борилаётган иш тажрибаларига эътибор қаратилди.

Ички партиявий ишлар самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилаётган ўқув машғулотлари қатнашчиларда яхши таассурот қолдиряпти.

Неъматилла ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.

БАЛЛИ, ЭШМАТОВ!



Қурбон Эшматов билан суҳбатлашган, хатти-ҳаракатларини кузатган киши ундаги салоҳият, қобилиятни илғаб, бу йигитдан абжир бизнесмен, билимдон шифокор, моҳир санъаткор ёки оддий чўпон чиқиши мумкин эди, деб ўйлайди. Аммо у барини қўйиб қаламни танлаган. Яхши, эл назарига туша оладиган мухбир бўлгиси келди... Ва бу мақсадига эришди.

Газетамизда катта масъулият, куч-ғайрат талаб этадиган Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими мудири вазифасида ишлайди. Хонаси ҳамиша гавжум. Кимдир шикоят билан келган, кимдир маслаҳат сўраб, яна кимдир шунчаки мухлиси — дўсти.

Ҳамкасбимизни ҳақиқий сўз устаси дейишга асос бор. У, халқ тилидаги, дилидаги гапларни топа билади.

Куни кеча Қурбон Эшматов Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг «Йилнинг энг яхши журналисти» мукофотига сазовор бўлди. Барча ҳамкасблари, дўстлари уни юксак мукофот билан қутлайди!

Самарқанддаги чинни ишлаб чиқарувчи «Нафис» ҳиссадорлик жамияти рассомлари Зоя Ким ва Шерзод Юнусов.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ЭЛ ЮКИНИ ЕЛКАЛАГАНЛАР

Истиқлол ва ислоҳот

Тўйимиз ҳам, азамиз ҳам, байраму маъракамиз ҳам савдо ходимларисиз ўтмайди. Ҳаттоки, энг оддий кунларимизда ҳам улар билан бўлмаганда бир-икки муомала қилишимизга тўғри келади.

Мақола тайёрлаш мақсадида «Тошкентсавдо» бирлашмаси раиси Мирфозил Мираюбов билан учрашиб, у кишига бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Мирфозил ака, аввало биз сизни ва «Тошкентсавдо»нинг барча катта-ю кичигини эртага нишонланадиган касб байрамларингиз — яъни Савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат ходимлари куни билан чин дилдан кутлаймиз. Эл хизмати йўлида сизларга катта сабот тилаймиз.

— Раҳмат. Бир кун кечикиб бўлса-да, биз ҳам барча матбуотчиларни касб байрамлари билан табриклаймиз.

— Айтингчи, кейинги йилларда бирлашмангизда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси қай даражада ўзгарди? Айни кунлардаги фаолиятларингиз бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладими?

— Элимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бюджет ҳисобидан ўз хўжалик фаолиятини олиб борадиган Савдо бош бошқармаси хўжалик ҳисобидаги «Тошкентсавдо» концернига айлантирилди. Сўнгра тизимдаги барча корхоналар ишини мувофиқлаштириш ва аппаратни ихчамлаштириш мақсадида «Тошкентсавдо» ва «Тошкенттаом» концернлари негизида «Тошкентсавдо» бирлашмаси ташкил этилди.

1993—94 йиллар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари давлат тасарруфидан чиқиб, акционерлик ва жамоа корхоналарига айландилар. 1994—96 йилларда эса тизимимизда хусусийлаштиришнинг асосий — иккинчи босқичи бўлди. Бу даврда дўкон ва ошхоналар акционерлик жамиятларидан ажралиб чиқиб, мустақил жамоа ва хусусий корхоналар тарзида иш олиб боришга ўтди. Айтиб ўтиш керакки, бу жараён осон кечгани йўқ. Қатор қийинчиликлар ва тушунмовчиликларга дуч келдик. Ўша йиллардаги тинимсиз меҳнатларимиз ва изланишларимиз натижаси ўлароқ, «Тошкентсавдо» тизимида 243 та хусусий ва 1600 дан ошиқ акционерлик ва жамоа корхоналари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Тизимдаги хусусий корхоналар аҳолининг кундалик истеъмол моллари билан бўлган талабини қондиришга қандай ҳисса қўшаётирлар?

— Бир сўз билан айтганда ёмон эмас. Аҳолининг талабини қондириш мақсадида қатор хусусий корхоналаримиз мустақил равишда четдан ун, шакар, ўсимлик ёғи ва бошқа кундалик истеъмол моллари олиб келишмоқда. Улар фақаттина 1996 йил ҳисобида четдан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришди. Ана шу биргина рақамнинг ўзидан ҳам уларнинг иш фаолиятига қониқарли баҳо берса бўлади деб ўйлайман.

— «Тошкентсавдо» ўз зиммасидаги режаларини қандай бажараётгани хусусида тўхталиб ўтсангиз?

— Айни шу ўринда ишимиз мақтовга лойиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Жорий йилнинг ярим йиллик маҳсулот айирбошлаш ҳажмини 154 фоизга бажариб, шаҳар аҳолисига 6168 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатдик. Шунингдек, ярим йилликда касса режаси ҳам тизимимиз бўйича мунтазам бажарилиб келинди.

— Байрам арафасида бўлса ҳам кўнгилдаги бир саволни бермасам бўлмади. Шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари, дейлик, ўсимлик ёғи танқислиги сезилгандай бўлмайптими?

— Гапингизда жон бор. Ҳақиқатдан ҳам йилнинг биринчи чорагида дўконларимизда ўсимлик ёғи бироз танқис бўлиб қолган эди. Лекин май, июнь ойларида писта ва соя ёғи келтирилиб, барча дўконларимизга етарли даражада тарқатилди. Тан олиш керак, ўтиш даврининг қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ўтган ярим йилликда давлат ресурсларидан ажратиладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари, марказлаштирилмаган манбалардан 1 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари келтирдик. Натижада аҳолига қўшимча равишда 830 тонна ёғ, 1500 тонна шакар, 4500 тонна ун ва 200 тоннадан ошиқ кир совун сотишга эришдик.

Дўконларимиз пештахталарини зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бирлашма тизимида 426 ишчи ўрни бўлган 102 та цех ташкил этганмиз. Уларда колбаса, шарқ ширинликлари, макарон, қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида ана шу цехларимиз ҳисобидан 75 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш мақсадида бугунгача еттита супермаркетларни ишга туширганимиз ҳам тизимимиз фидойиларининг ютуқларидир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур. Агар касбдошларингизга байрам тилакларингиз бўлса...

— Нафақат савдо тизими, балки, барча юртдошларимга тилагим битта: у ҳам бўлса, бизни осойишталикдан айирмасин ва дастурхонимиз ҳамиша фаровон бўлсин!

Суҳбатдош:
Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ШАЙТОНГА САЖДА ҚИЛГАНЛАР

ёхуд жуфти ҳалолини фарзандлари кўзи олдида уриб ўлдирган ота ҳақида

Айни саратон, ҳаво эрталабдан тандирдек қиздиради. Бедани ташиб олмасак бўлмайди, дея Гулнора болаларини ишга даъват этди. Она-болалар терга ботиб даладаги бедани ташишди. Уйга кириб чой ичишга ҳозирланишганда тажанг ота — Нормурод Умедов яна оила аъзоларига навбатдаги заҳрини сочди:

— Мен сенга неча марта айтганман уйга қуёш тушмасин деб?!

Эрининг ола-кула кўзларига боққан Гулнорани чайнагани томоғидан базўр ўтди. Гапирса яна бошида таёқ синади.

— Ҳозир, ҳозир деразани лойлайман...

Аёл меҳнатдан эзилган, эридан безиганини билдирмасликка ҳаракат қилиб деразани лойлади. Шунда пардага лой учди. Ана, тамом, бошланди жанжал. Нормурод хотинига ташланди. У нима қилаётганини сезмасди, қўли, оёғи ҳам тинмас, оғзидан боди кириб, шоди чиқар, ҳатто болаларининг дадажон урманг, ўлдириб қўясизку, деб жаврашини ҳам эшитмасди. Қани атрофда ёрдам берадиган кимса бўлса! Бўлганлари ҳам кўникиб қолганда, ҳар кун шу аҳвол деб. Бугунгиси бошқача эди, кўзи қонга тўйган Нормурод болаларга боринглар, молларгa ўт терингглар деб ўшқирди. Иложсиз болалар дир титраганча далага чопишди. Нормурод эса хотинини хуморидан чиққанга уриб, ер билан битта қилди.

Аёлнинг оғиз-бурни қонга беланди, сочлари юлинди. У ҳолдан тойганди. Шафқатсиз эр эса унинг қонли башарасига дока ёпиб, устига кўрпача ташлаб, уй илмоғини ўтказиб, жуфтакни ростлаган эди.

Даладан қайтган Бахтиёр ҳовлидаги осойишталикдан чўчиди, онасини излади, хонани очиб, ичкарига кирди. Қараса онаси жон таслим қилганича ётар, бир умрга уйқуга кетганди...

Хўш, Гулнорани айби нима эди? Ахир, бир пайтлар севилиб турмуш қургани, Нормурод қамалган экан қизим, бахтли бўласанми дея онаси жаврагандa: шундан бошқасини демайман деб туриб олганими? Вобкент туман марказий касалхонасида ошпазлик қилганида Нормурод тракторчи эди, қизнинг орқасидан мудом соядек юрарди, яхши кўраман дерди. Алдандими? Шўр пешона эканман деб бирортага дилини ёрганми эри ичиб келиб, ҳар хил гапларни чиқарганда, бўлар-бўлмасга жанжал кўтариб, дўппослаганда, ўзим пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ейман дедими? Ота-онасиникига борганда ранги заъфаронлигини, туғишганлари сезишмадими? Турмуш қурганига ўн йил бўлган бўлса ҳам эридан камситиш, ҳақорат эшитаётганини наҳотки ҳеч ким пайқамаган бўлса? Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалиги, Пермаст қишлоқ фуқаролар йиғини, Ниёзхўжада лоқайд кишилар шунчалик кўпми?

Саволлар, саволлар... улар бугун ҳаммаси жавобини топди. Марҳум Гулнора Раззоқова эрининг хатти-ҳаракати ҳақида бир неча бор қишлоқ участка нозирига маълум қилган. Нормурод икки бор судланганига қарамай туман ички ишлар бўлими томонидан назоратга олинмаган. Охирги пайтларда ҳеч қаерда ишламаган. Ўғлининг оиласидан Камол ота ҳам, Рашида опа ҳам асло ташвишланмаганлар чоғи.

Жиноят сабабларини ойдинлаштиришда Вобкент туман прокуратураси терговчиси Р. Ҳамроевнинг тажрибаси анча қўл келди. Шу боис судда қотил Н. Умедов қилмишларига тўла иқрор бўлди. Бухоро вилоят суди қотилга энг олий жазо — ўлим жазосини тайинлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КАТТА ТАНАФФУС»

Рўзноманинг 1997 йил 16 январь сонида «Катта танаффус» сарлавҳаси остида чоп этилган танқидий мақола, текшириб ҳал қилиниши учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Ҳокимликдан қуйидаги жавоб хати олинди:

Шўрчи тумани марказида туғруқхона ва шифохонанинг 40 ўринли болалар бўлими биноси қурилиши 1996 йилда тўхтатилгани, вилоят капитал қурилиш бошқармаси ушбу бино қурилишига маблағ ажратмагани, чала қолган қурилиш объектида кўплаб қурилиш материаллари сочилиб ётганлиги, бунга ҳеч ким эътибор бермаётганлиги, буюртмачи ташкилот тўхтаб қолган қурилишга қоровул ажратмаётганлиги, оқибатда томга ёпилган темир-бетон плиталар ўғирланаётганлиги ҳақида баён этилган танқидий мулоҳазалар ўрганиб чиқилди.

Шўрчи туманида қурилаётган туғруқхона ва 40 ўринли болалар бўлими шифохона биноси қурилиши 1994 йилнинг июнь ойида «Деновқишлоққурилиш» трестига қарашли 266-ва 583-сонли қурилиш жамланмалари томонидан бошланиб, 1996 йилгача 4384 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган ва маблағ йўқлиги сабабли ишлар тўхтаб қолган.

Вилоятимизда қурилаётган 28 та қурилиш бинолари маблағ танқислиги туфайли 1997 йил қурилиш дастурига киритиш имконияти бўлмади. Жумладан, ушбу касалхона биноси қурилиши ҳам тўхтатилди. 1998 йил қурилиш дастури тузилаётганда бу объект қурилишини дастурга киритиш ва давом эттириш қатъий белгиланган.

Вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ.

«ЁРЛИҒИНГИЗДАН ОР ҚИЛАСИЗМИ?»

Рўзноманинг 1997 йил 1 апрель сонидаги «Ёрлиғингиздан ор қиласизми?» сарлавҳали мақола «Тошбозорсавдо» уюшмаси жамоаси бошқарув хайъати йиғилишида муҳокама этилган.

Мақола муаллифи кўтариб чиққан масала, яъни ички бозорларимизни сифатли халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ушбу мақола республикамизнинг саноат, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари раҳбарлари ва мутахассис ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама этилиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш чора-тадбирлари белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўз навбатида уюшма тизимидаги бозор раҳбарларига бор имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда, расталарда савдо қилаётган сотувчи—тижоратчилар орасида мафкуравий ишларни олиб бориш юклатилди.

«Тошбозорсавдо» уюшмаси бошқаруви раиси
Ш. АБДУЛЛАЕВ.

«ҚУЛАЙЛИКМАС, ДАРДИСАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 29 март сонида эълон қилинган «Қулайликмас, дардисар» сарлавҳали мақолада баён этилган ноқонуний равишда ёнилғи ва мойлаш материалларини шаҳар кўчаларида сотиш масаласи газета томонидан жуда тўғри кўтарилган.

Ноқонуний равишда бензин ва мойлаш маҳсулотлари билан савдо қилувчи фуқароларни аниқлаш ва қонунга биноан чора кўриш ишлари солиқ идоралари томонидан доимий назорат остига олинган.

Тошкент шаҳар ҳокимияти бу борада қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилганини маълум қилади:

ўтказилган тадбирлар сони — 425 та,
аниқланган қоидабузарликлар сони — 183 та,
масала ҳал этилгунга қадар олиб қўйилган ёнилғи 12222 литр.

Ноқонуний равишда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини сотган 28 фуқарога расмийлаштирилган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун судга юборилди.

Мусодара қилинган ёнилғи миқдори — 9876 литр.

Юқорида кўрсатилган масалалар бўйича солиқ инспекциси ходимлари маҳаллалар фаоллари билан биргаликда тушунтириш-профилактика ишларини олиб бормоқдалар.

Бундай ноқонуний фаолиятга узил-кесил чек қўйиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти солиқ инспекцияси, туман ҳокимиятлари, прокуратура ва ички ишлар бўлимларига ўзаро ҳамкорлик кўрсатишлари ҳақида кўрсатма берди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ўринбосари Р. ШОАБДУРАҲМОНОВ.

«КУНДУЗИ ЎЧИРИБ, КЕЧАСИ ЁҚИШАДИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 22 май сонида чоп этилган «Кундузи ўчириб, кечаси ёқишади» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Чироқчи туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги Паканди қишлоғини электр энергияси билан таъминловчи куч трансформаторлари 10 киловаттлик «Бўронжўз» фидеридан кучланиш олади. Бу фидер 1997 йил апрель ойида олти марта аварияли, олти марта чеклаш натижасида ўчган. Аварияли ўчишлар узоғи билан 4 соат ичида бартараф этилган, чеклаш эса белгиланган ва тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилган.

1997 йил 2 май куни Паканди қишлоғида қуввати 100 киловатт бўлган трансформатор ўрнатиб берилган. Кечаси юз берган табиий офат натижасида электр ускуналарига жуда катта зарар етган. Натижада «Бўронжўз» фидери ҳам аварияли ўчиб 1,5 сутка кучланишсиз қолган. Табиий офат натижасида зарар кўрган электр линиялари қисқа вақт ичида қайта тикланиб, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи
ўринбосари Т. КАРИМОВ.

Расмий ташриф билан Хитойга борган Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдин кеча ХХР Давлат кенгаши бош вазири Ли Пэн билан музокаралар олиб борди. Унинг ХХР раиси Цзян Цзэмин билан учрашуви ҳам кўзда тутилган.

* * *

АҚШ давлат котиби Ольбрайт Сан-Франциско шаҳрида сўзга чиқиб, эндиликда техника асри янада авж олади, деди. Айниқса Хитойда иқтисодий тараққиёт янада ўсади. Гонконг Хитойга қўшилгандан сўнг

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

бу мамлакат бозор сари дадил йўл олади, деди давлат котиби.

* * *

Токио ва Нью-Йорк оммавий ахборот воситалари Швейцария ҳукумати иккинчи жаҳон уруши чоғида бетараф давлат қомусини бузиб, Япония милитаристлари билан ҳамкорлик қилгани тўғрисидаги далилларни эълон қилди. Америка марказий разведка бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган ушбу далилларга кўра, Швейцариядаги айрим банклар Япония императори армиясини молиявий таъминлаш ишларида қатнашган. Бунинг исботи сифатида 1944 йил Токио ва Швейцария банклари ўртасида ўтказилган махфий пул операциялари, жумладан, Япония армиясига зарур бўлган ҳарбий материаллар учун пул тўловлари Швейцариянинг Цюрих банклари орқали амалга оширилгани айтилади.

БУ САФСАТА ЭМАС

Литва Давлат банкининг ертўласида кириш хавфли бўлган омборхона бор. У ер 1991—92 йилларда босилган 500 ва 1000 лит пулларнинг эскириши натижасида заҳарли ҳаво билан тўлган. Билағонлар, бунақа пуллар муомалада йўқ-ку, дея ҳайрон қолишлари мумкин. Чиндан ҳам шундай. Чунки Литва пулларини босиб кўпайтирган Америка фирмаси буюртмани сифатсиз бажарган. Бундан ташқари пуллар ўзидан ҳавога заҳар чиқармоқда. Пул қоғозлари тайёрланаётганда мутахассисларга номаълум елим ва муайян миқдорда айрим моддалар ишлатилган.

* * *

Хабаровскда шаҳардан ташқарида уй жониворларини сақлаш учун махсус маскан барпо этилди. Бу ерда жониворлар тури, зоти, белгиларига қараб сақланади. Ғарбликлар ибораси билан ифодаланганда, «кичик укаларимиз бўлган жонивор»ларнинг сув бўйида, очиқ ҳавода сайр этишлари, бемалол кўпайишлари учун барча имкониятлар бор. Махсус мутахассислар ҳайвонларни қўлга ўргатадилар.

* * *

АҚШнинг ўзида ҳам НАТОнинг кенгайиши масаласида икки хил фикр чиқиши мумкин. Альянснинг кенгайиши миллиардлаб қўшимча долларларни талаб этадики, Оқ уй Конгрессда буни маъқуллашга эришиши керак. Маъмуриятнинг режасича, кейинги ўн йилликда НАТОни кенгайтириш Америка учун ҳар йили 200 миллион долларга тушади.

* * *

Швейцария парламентида АҚШ ҳукуматининг нацистлар қурбонларидан олтиннинг ўзлаштирганлиги Швейцарияни айбдор санаган расмий доклади муҳокама қилинди. Ташқи ишлар вазири Флавио Котти, бизнинг ҳукуматимиз, Швейцария нацистлар Германияси билан молиявий операцияларни амалга ошириб, урушнинг чўзилишига сабаб бўлган, деган даъвони рад этади, деб айтган.

* * *

Гонконгнинг бўлажак маъмурияти бошлиғи Тун Чжихуа, мамлакат ҳудуди шу йилнинг 1 июлида Хитой назоратига ўтгач, биринчи дақиқаданоқ ҳар қандай намойиш ва кўча юришларини тақиқловчи қонун кучга киришини маълум қилди. Белгиланган муддатдан кейин намойишлар ўтказиш учун полициянинг рухсатини олиш лозим бўлади.

Британия миллий лотереясининг даромадлари ўтган йили қарийб 2,5 миллиард долларни ташкил этди, мамлакатда 193 янги миллионер пайдо бўлди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Бу рақамларни лотереяларни тақсимлаш билан шуғулланувчи Питер Девис эълон қилди. Унинг айтишига кўра, натижалар кутилгандан юқори бўлди. Демак лотереянинг чиқиб туришига кенг имкониятлар бор. Лотерея

Хориж матбуоти ёзади

ўйинида катта ёшли британияликларнинг 95 фоизи иштирок этди ва уларнинг 70 фоизи ҳар ҳафтада ўйнаб турди. Улар бунинг учун 2,5 миллион фунт стерлинг сарфлашаётир. Миллий лотереядаги энг баланд ютуқ 10 миллион фунт стерлингдир.

* * *

Қуйловчи қушлар бундан 50 миллион йил аввал биринчи марта Австралияда пайдо бўлганди. ДПА агентлигининг хабарига кўра австралиялик биолог Уолтер Боулз шундай хулосага келди. У Брисбен шаҳрининг шимоли-шарқий томонида қуйловчи қушларнинг қолдиқларини топди. Бу қолдиқлар 50 миллион йиллик даврдан дарак бериб турибди. Уолтер Боулз эса қадимги қушларнинг ташқи кўринишини ҳам тўла тикламоқчи.

Аломат дунёнинг ...

АСРНИ «ҚАРИТГАНЛАР» МАМЛАКАТИ

Бугунги кунда дунёда экологик аҳвол бирмунча ташвишланарли. Инсоният яратган техникавий «мўъжизалар» туфайли курраи заминнинг иқлим маромларига ҳам жиддий путур етди. Техника тараққиёти юксаклаётган бир пайтда одамларнинг ўртача умр кўриши йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Лекин, тайванликлар бу масалада анча омадли чиқди. Маълумотларга қараганда, Тайван асрни «қаритганлар» сони бўйича дунёда «энг пешқадам» мамлакат ҳисобланар экан. Тайбэйда 500 дан ортиқ 113—116 ёшга етган киши борлиги аниқланган. Халқаро тадқиқот институтининг маълумотига кўра, кейинги ўн йил мобайнидаги кузатишлар шуни кўрсатадики, узоқ умр кўриш фақат осиёликларга хос бўлиб бормоқда.

«ЁВВОЙИ БОЗОР» ВАКИЛЛАРИ

Мексика кўча бозорларига бойлиги бўйича дунёда биринчи ўринда экан. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, «Мексика пойтахти — катта ёввойи бозорга» айланиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, ноқонуний савдо бўйича Мехико шаҳри дунёда манаман деган аҳолиси зич шаҳарларни ҳам ортда қолдиради. Бундан ташқари мамлакат аҳолисининг атиги 39 фоизигина давлатга қарашли корхоналарда ишловчилар бўлиб, қолганлар эса, «ёввойи бозор» вакилларидир.

...аломат гаплари

КЎР КЎЗНИНГ «ОЧИЛИШИ»

Янги Зеландия полицияси 87 ёшли аёлни полиция офицери ҳаётига зомин бўлгани учун қамоққа олди. Шаҳар кўчаларининг бирида ўз «Мерседес»ида кетаётган бу кампир йўл ҳаракати кузатувчисини уриб кетди. Зарба шунчалик кучли эдики, йўл кузатувчиси машинанинг шундоққина ойнаси олди — қанот устига чиқиб қолди. Ҳайдовчи эса, пинагини ҳам бузмади ва навбатдаги полиция постигача машинасини елдириб кетаверди. Судда аниқ бўлишича, кампиршо кўзи яхши кўрмаслигига қарамай, зериккан чоғида асосан қулоқларига ишониб машинада озгина сайр этиб келар экан. Буни унинг адвокати ҳам тасдиқлади ва айбдор ўн йилдан буён шифокорлар рўйхатида туриши ҳам маълум бўлди. Айни шу сабаб кампирнинг жазодан қутулиб қолишига ёрдам берди.



ИНОҚЛИК. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ҲАФТАЛИК

ДУШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Каттақўрғон тумани «Зарафшон» халқ ансамблининг концерти.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Биз танлаган касб».
9.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Михаил Супонин. «Кел, дўст бўлайлик». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.10 «Ҳамкорлик ришталари».
11.35 «Фил полвон оғриб қолди», «Жасур булиш осонми?» Мультфильмлар.
11.55 «Спорт масканларида».
12.20 Болалар учун концерт.
12.45 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 2-серия.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Биламиз-у, аммо..»
18.55 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Ориф Одилхонов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Мумтоз наволар.
21.35 «Саҳна ҳаёти». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг «Амир Темур» спектакли ҳақида.
22.05 «Ватанни севмоқ иймондандир». Публицистик кўрсатув.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 4-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.25 «Спорт қитъаси».
22.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.45—23.55 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 «Ҳазил». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Канизак Изаура». Телесериал (Бразилия).
22.35 «Мовий қуш». Телефильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Сўз — сизга».
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Авторейд».
20.20 Эълонлар.
20.25 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.15 «Спорт-тайм».
21.45 «Ракурс».
22.15 «Аёл».
22.45 «Дидар».
23.15 — 23.25 «Ҳайрли тун!».

СЕШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Виждон». Телесериал. 4-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқ ёз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97» . Она тили.
11.00 Инглиз тили.

*

11.30 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
12.00 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
12.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент, янги шаҳар».
12.25 «Мозий жавоҳирлари». Ат-Термизий мақбараси.
12.40 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Тилга эътибор».
18.55 «Европа таассуротлари».
19.10 «Замон билан ҳамнафас».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур ёлқинлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 «Япония ҳақида ҳикоялар».
21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
22.00 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.10 Ш. Холмирзаев. «Кадимда бўлган экан». Видеофильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Замин қалбига қулоқ тут».
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
23.00 Кундалик.
23.10 «Авлодимиз».
23.25 «Спорт қитъаси».
23.45 «Акс».
00.05— 00.20 « ТВ плюс...»

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.35 «Туш». Катталар учун мультфильм.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Олғир товламачилар». Бадиий фильм (АҚШ).
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 Эълонлар.
20.20 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 «Очиқ дарс».
21.55 «Игротека».
22.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.00 «Ҳайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Мусиқий ҳазина. «Эшвой».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шарқ зарчашмаси».
9.10 «Таълим — тараққиёт пойдевори».
9.35 «Қизиқарли учрашувлар». Анвар Обиджон.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оламни асранг».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

*

11.30 Эртаклар яхшиликка етаклар. «Малика ва Шаҳзода». Телетеатр.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахонларининг концерти.
12.40 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Танаффус». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
18.45 Эстрада тароналари.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Тест — адолат мезони».
21.50 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер Ўзбекистонда.
22.20 «Истиқлол рамзи».
22.35 «Виждон». Телесериал. 5-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли бадиий фильм.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 Классик куйлар кечаси.
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. «Рақслар гулдастаси». Фильм-концерт.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Саҳий хонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 Эълонлар.
20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Мезон».
21.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.55 «Нафосат гулшани».
22.25 «Таклифлар ва ташрифлар».
22.55 «Экстремал уйинлар».
23.45 — 23.55 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа масканида бир кун».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 5-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».

*

11.30 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер Ўзбекистонда.
12.00 «Маърифат маскани». Сирғали туманидаги молия-иқтисодиёт коллежи ҳақида.
12.30 «Ялангоч аёл портрети». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўшиғим, жон қушиғим».
18.35 «Эл тинчлиги йўлида».
19.05 «Ғазалхон ёшлигим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.35 «Маърифатнома».
22.15 «Истиқлол тафаккури».
22.35 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мовароуннаҳр». Телефильм.
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Нафис мажлислар».
10.25 «Мусиқий шарҳ».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «ТВ плюс...»
11.25 «Кунгил кунгилга пайванд».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
12.15—14.05 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
21.45 Кундалик.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.35 «Хилол» студияси намойиш этади: «Замонавий дизайн».

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Худди ота-боладек». Бадиий фильм (АҚШ).
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Америкага бир назар». АҚШ Мустақиллиги қунига.
21.15 «Жаҳон дурдоналари».
21.45 «Интер-спорт».
21.55 «Каталог».
22.05 «Минг бир маслаҳат».
22.20 «Чинор».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 23.30 «Ҳайрли тун!».

ЖУМА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Гуллар юртининг дурдоналари».
8.35 «Юзма-юз».
8.55 «Маърифатнома».
9.35 «Халқ ижодиёти». Сибизга садолари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Кимё.
11.00 «Абитуриент-97». Умумий биология.

*

11.30 «Кичкинтой устахонаси».
11.50 С. Абдулла. «Тоҳир ва Зуҳра». Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» (Қарши) — «Хоразм» (Урганч).

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат алифбоси».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «МХСК». «Пахтакор» Марказий уйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» (Тошкент) — «МХСК». 2-тайм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Мақом кечаси». Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.05 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
22.30 «Мен қайтиб келгунча». Катталар учун мультфильм.
22.40 «Виждон». Телесериал. 6-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Қалдиргоч». Қиска метражли телевизион бадиий фильм.
00.35 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Ором онлари».
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулгу дарғалари».
9.55 «Қушиқлар жилоси».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео—»О».
12.20—12.50 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.30 «Телевидение ва театр».
18.45 «Ханда дўкони».
19.05 «Бугун кино оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.

Ёшлар дастури:

19.35 «XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт курраси».
«Камолот».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
23.00 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20—20.35 Россия жамоат телевидениеси.
20.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 «Шоирлар хиёбони». Телефильм.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.35 Ирина Понаровская куйлайди.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Шаҳрим—фахрим».
20.30 «Монитор-Осиё».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эльдорадо». Телесериал.
21.50 «Бу бўстон аро».
22.20 «Латофат».
22.50 «Азизим».
23.20—23.30 «Ҳайрли тун!».

ШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.00 «Бир том остида». Мультфильм.
9.15 «Виждон». Телесериал.6-серия
10.10 «Шоҳрўҳ клуби».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Баҳс».
10.50 «Таниш ва номаълум».
11.10 «Цирк! Цирк! Цирк !»
11.40 «Дардингизга малҳам бўлайин».
12.00 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
13.00—14.35 «Нозигойим». Бадиий фильм.

КЎРСАТУВЛАР

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Санъат олами». Ўзбек кулолчилиги.
19.00 «Фан уфқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 40-қисм.
22.35 «Сеҳрли шуъла».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.05 «Куй ва тасвир».
23.25 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1—2-серия.лар.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Телевидение ва театр».
9.30 «Ханда дўкони».
Ёшлар дастури:
9.50 «XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт курраси».
«Камолот».
10.40 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
11.10 «Кинонигоҳ».
12.50—13.50 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Шанба тақвими».
18.35 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Ҳавас ТВ».
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
00.10—00.20 «Даракчи».

III

16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 Болалар учун фильм. «Кичик бола туфайли катта ташвишлар».

*

17.25—20.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.20 «Геннадий Хазанов билан учрашувлар». 1-қисм.
23.00—23.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буғеқлар жилоси».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Кинонинг олтин асри. «Фан-фан тюльпан». Бадиий фильм.
11.00 «Шанба эртаги».
12.00 «Спектаклдан сўнг».
12.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.15—13.35 «Корейс тилини ўрганамиз».

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 Эълонлар.
20.10 Кинонинг олтин асри. «Қум конлари генераллари». Бадиий фильм.
21.40 «Рақслар қанотида».
22.10 «Чинсен».
22.40 «Хит-коллекция».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30—23.40 «Ҳайрли тун!».

ЯКШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Қушиқ байрами».
12.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 40-қисм.
12.35 «Ўзбекистон спорти».
12.50 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
13.20 «Улан». Бадиий фильм.
14.55 — 15.45 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.20 «Ёшлар билан».
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Қўшиқ ва яллалар.
21.35 Х. Султонов. «Чангак». Видеофильм.
22.35 «Футбол майдонларида»
22.55 «Савойя»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
00.20 Эълонлар.
00.25 «Ҳафтанома».
00.55—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.35 Болажонлар экрани.
10.50 «Таянч».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Глобус».
12.05—13.45 Видео—»О».

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Глобус». Телеальманах.
21.30 «Мухлис ТВ-2».
21.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 Видео—»О».
00.05—00.15 «Даракчи».

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.30—20.50 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.50 Эълонлар.
20.55 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
22.35 «Геннадий Хазанов билан учрашувлар». 2-қисм.
23.10—23.35 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсэ».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Эълонлар.
11.55 Киносалон. Кристофер Ламберт «Қуролли кишилар» фильмида.
13.30 «Мусиқий олимп».
13.50 С. Спилбергнинг «Жағлар» фильми. 1-қисм.
15.25 «Подиум».
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.00 «Сенинг вақтинг».
16.20 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Фариштам».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Тошкент оқшомида

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 28-iyun, shanba № 75 (22.159).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

«ВУЖУДИМДА ФАҚАТ ЮРАК БОР!»

Илк учрашув

***

Кўзёш каби узилар офтоб,
Рўмолчадай ҳилвирар бульвар.
Ўтираман бир четда —
Бетоб —
Ўтирасиз бир четда, дилбар.

Юрагимдай ёнар ҳар чироқ...
Соянгиз-да бевафо, охир
Ташлаб кетар нур битса, бироқ —
Айрилмайди менинг нигоҳим.

Қайрилмайсиз — йўлингиз битта,
Қайрилмайсиз кўнгил учун ҳам.
Қайрилма қошингизга ит-да
Лоф отади эрмаклаб беғам.
Ўтирасиз бир четда қарийб —
Сўлиб қолган эгасиз гулдай.
Ўтираман бир четда ғариб,
Муомаладан қолган пулдай...

Ёнингизга бормоғим душвор,
Оёқларим ташлади-ку иш.
Вужудимда фақат юрак бор,
Унинг билан... мумкинми етиш!?

Сизни билмам, менга сезилар,
Ўқияпсиз тескари китоб:
Юзингизда бир-бир тизилар —
Ботиб кетган жамики офтоб.

Рўмолчадай ҳилвирар бульвар,
Томирларим тўла талотўп.
Эй... йигирма бир ёшли дилбар,
Кўзингизда бунча қўёш кўп?!

***

«Севаман» деб алдадим сизни,
Эҳтиросга берилдим ёмон.
Араванинг изидаги оқ —
Пахтадайин эзилди виждон.

Лабингиздан учган учқунлар
Кўзларимда гулханлар ёқди
Ва мен бедор ўтказган тунлар,
Ойдан ҳайрат аралаш боқди.

Томиримда жодулар тиниб,
Юрагимда қўпди кўпкари
Ва ёдимга тушди — қимтиниб
Аввал ҳам бир қизни ўпганим.

Мангу банди бўлган маҳбуснинг
Жонидайин сиздан узилдим.
Араванинг изида қолган —
Пахтадан-да баттар эзилдим.

Яшайману сизга интилиб,
Менинг учун мутлақо сирсиз.
Эҳтимолки, сиз-да қимтиниб —
Қай йигитга ўптиргандирсиз.

Эҳтимолки, виждонни ўйлаб —
Яшашдан мен каби тўйдингиз.
Эҳтимолки, шунчаки бўйлаб,
«Севаман» деб алдаб қўйдингиз...

***

Ўлаяпман — ранжиманг тағин,
Қололмайман бу ерда собит.
Атиргулнинг шохчаларидан
Ясаганман ўзимга тобут.

Жар солади мушфиқим сабо,
Чорлайверар дўсти ғанимни.
Меҳмон бўлган Азройил бобо,
Шабнам билан ювар танимни.

Ҳаётимни муқаддас билиб,
Урфу русум қилурлар ул-бул.
Шеърларимни тиловат қилиб,
Жанозамни ўқийди булбул.

Япроқчалар солади уввос,
Ўксимасин майсалар нега?!
Кўмиламан энг тоза, энг соз,
Энг чиройли гулнинг тагига.

Кўм-кўк рангга киради жоним,
Чайқалади зил-замбил ҳислар.
Юрагимни алвондай ёпиб,
Тобутимни кўтарар қизлар!

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Самарқанд.

1

ЯХШИЛИК ДАРАХТИ

Эҳтиром

Халқ ҳикматларида айтилганидек, муаллим — моҳир устоз, у бутун умри бўйи билим уруғини экиб, умрининг охиригача яхшилик дарахти мева беришини орзу қилади.

Ана шундай устозлардан бири — Нурбой Абирқуловнинг таваллуд топганига 70 йил тўлди.

Олимнинг хизматларидан бири — Ўзбекистон Республикасида пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш тарихини чуқур таҳлил этганидир. Унинг илмий ишларида Жиззах ва Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши тарихи алоҳида ўрин олган. Н.Абирқуловнинг пахтачилик тарихи ва аграр сиёсат тарихига оид илмий ишларига хос фазилатлар кўпдир.

Нурбой Абирқулов ҳали тарихчи олимлар томонидан етарли эътибор берилмай келинаётган соҳа — «Ўзбекистонда деҳқончилик тарихи» мавзуидаги муаммо устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Педагогика касбининг фидойиси — Нурбой Абирқулов ўзининг 70 йиллик умрининг сўнгги 50 йили давомида халқ хўжалигининг аграр сектори учун, халқ таълими тизими учун минглаб етук мутахассис кадрларни тарбиялаб вояга етказди, фан номзоди бўлган ўнлаб шогирдларни тарбиялади.

Ишончимиз комилки, бу жонкуяр инсон юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш ишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини ҳали кўп қўшаверади.

Р.САНГИРОВ,
Қ.УСМОНОВ,
профессорлар.

2

ЙИЛЛАР ЎТМОҚДА

Бола эдик шоширардик йилларни,
Улғайишга қалблар эди орзуманд.
Болаликни қувиб етдик вояга,
Кўп ишлардан бўлиб келдик
баҳраманд.

Тирикликнинг манзилини узоқ деб,
Яна қувиб шошилтирдик йилларни.
Аммо, яқин биз шошилган у
«манзил»,
Билиб-билмай қисқартирдик
йўлларни.

Энди йиллар шоширмоқда
бизларни,
Кексаликка интилмайди кўнглимиз.
Бир поёнсиз манзил бўлиб кўринар,
Дунё ўзи тушимизми, ўнгимиз?!

КЎНГИЛ

Мендан асло ўкинмагин кўнгилгинам,
Сен истар кўчаларга юз буролмасман.
Танҳо танда сендан айро яшар ақл.
Ундан кечиб йўлларингда туролмасман.

Шафқат қилмас баъзан ақл хоҳишингга.
Хитоб қилиб бекитади йўлларингни.
Кўнгилгинам мендан нечун норизосан?
Ахир, ақл тутиб олса қўлларингни.

Сен кўз билан боққин узоқ-узоқларга,
Нигоҳингни тўсолмайди довонлар ҳам,
Зим-зиё тор кўчаларда адашсангда,
Кўз ёш қилма, яралгандир дунё бир кам.
Мендан асло ўкинмагин кўнгилгинам!

БУЛУТЛАРДАН БЎЛСА ЛИБОСИМ

Сочларимни тараса ёмғир,
Булутлардан бўлса либосим,
Кўзларимни покласа осмон,
Табиатни кузатардим жим.

Майсаларнинг осмони қани?
Нигоҳимни қадагим келар.
Қайдалигим унутдим буткул,
Сарсон бўлиб хаёлим елар.

Сажда қилар сукутда тоғлар,
Гуноҳлардан поклаб ўзини,
Тоғ бағрини этиб мусаффо,
Булутлар ҳам чоғлар ўзини.

Вулқон бўлиб тошгунча юрак,
Ўрганардим тоғдан бардошни,
Паймонаси тўлган булутдек,
Тўкмас эдим беҳуда ёшни.

Сайёра ШОДИЕВА,
Тошкент шаҳри.

«АСАКА ЁҒ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1996 ЙИЛГИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

минг сўм ҳисобида

Кўрсаткичлар	Сатр рақамлари	Ўтган йилнинг шу даврида: Даромадлар (фойда)	Ўтган йилнинг шу даврида: Харажатлар (зарар)	Ҳисобот даврида: Даромадлар (фойда)	Ҳисобот даврида: Харажатлар (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	249592	x	389573	x
Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ	020	x	37404	x	61773
Акцизлар	030	x	71637	x	89021
	040	x	2153	x	
Сотишдан тушган соф даромад	050	138398	x	238779	x
Сотилган маҳсулот, товар, иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	x	103123	x	190142
Сотишдан тушган пулнинг ялпи молиявий натижаси 050-060	070	35275		48637	
Сотиш харажатлари 26-1	080	x	1058	x	5433
Маъмурий харажатлар 26-3	090	x	2355	x	6730
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари 26-4	100	580	13810		6792
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110	18632		29682	
Ассоциацияланган ва шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар	120		x		x
Бошқа олинган дивидендлар	125	352	x	85	x
Ассоциацияланган ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган заёмлар бўйича фоизлар	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135		2	26	5637
Валютанинг курс фарқи	140				
Бошқа молиявий фаолияти бўйича даромадлар ва харажатлар	145			453	6640
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ва зарар)	150	18982	2	30246	12277
Фавқулоддаги фойда ва зарар	160				
Умумий молиявий натижа фойдадан солиқ тўланмасдан олдинги (фойда ва зарар) 150-180	170	18982		17969	
Фойдадан солиқ (даромад)	180	x	10661	x	9861
Қўйидаги статьялар бўйича кўрсатилмаган бошқа солиқлар	190	x	823	x	
Ҳисобот даврдаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	7498		8108	

Очиқ турдаги «Асака ЁҒ» ҳиссадорлик жамияти раиси — *Кўчқоров С.П.*
Бош ҳисобчи — *Имонов Ш.*

ҲИССАДОРЛАРНИНГ 1996 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНҒАН УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1997 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

НУКУС-ЯЛЧИНЕЛ ЛТД

Энг сара тузни, шунингдек болалар овқатланиши ҳамда крахмал тайёрлаш учун мўлжалланган гуруч унини ишлаб чиқараётган Ўзбекистондаги ягона фирмадир.

Сотув нақд пулга ҳам, пул ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Тел./Факс: (3712) 76-14-07, 76-76-15, 75-86-69

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Фарҳод ярмаркаси, 2-қатор, «Нукус — Ялчинел» дўкони.

Муҳтарам жаноблар!

Тижорат маркази (Иркутск вилояти, Шелехов шаҳри) ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги бош дилери — «Сиб - Акбар» фирмаси республика вилоятларида жойлашган, омборхона майдонларига ва ёғочни қайта ишлаш цехларига эга бўлган, шунингдек, қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни белгиланган тартибда жўнатишга қодир бўлган ишончли шерикларни ёғоч тахталарни етказиб беришга ихтисослашган шуъба корхоналарини тузиш бўйича ҳамкорликка чорлайди.

Таклифларингиз билан қуйидаги манзилгоҳларга мурожаат этинг:

700084, Тошкент шаҳри, Мавлонов кўчаси, 48-уй.
Тел/факс: (3712) 35-72-10.
Телефон: (3712) 35-71-65.



Россия, Иркутск шаҳри:
Тел/факс: (3952) 43-37-36.
Телефон: (39510) 2-27-55.

«Жаннат Ороми» фирмаси

Анталияда (Туркия) ажойиб дам олишга таклиф этади.

- **Якка тартибдаги сафарлар—баҳоси турлича**
- **Машҳур Памуккале курортида (Туркия) даволаниш.**

Манзилгоҳ: Тошкент, «Тинчлик» метро бекати. «Ўзгазлойиҳа» институти биноси, 1-қават.
Тел: (3712) 42-44-55
Тел/факс: (3712) 42-98-62.

Ўзбекистон—Россия

Тошкент «КамАЗ» автомаркази қўшма корхонаси *таклиф этади:*

- «КамАЗ» автомобилларининг тақчил эҳтиёт қисмлари
- «Бриджестоун» автошиналари (Япония), ўлчамлари: 260x508, 320x508.
- «КамАЗ» туркумидаги автомобилларнинг двигателлари, қисмлари, агрегатлари ва тормоз тизимларига техникавий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни кафолатли таъмирлаш ишларини бажаради.

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-даҳа. Қорақамиш кўчаси, 6-уй. (Мўлжал — «Зенит» заводи)
Телефон: (3712) 24-98-22.
Факс: (3712) 24-59-25.

Миробод туманидаги «Тарона шоу маркази» **ТУГАТИЛАДИ** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Бухоро шаҳридаги «Чашма» кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Оққўрғон туманидаги Ҳамза номли 6-мактаб томонидан 1995 йилда Набиев Хайрулла Сайдимуҳаммедович номига берилган 015452 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. ПЎЛАТОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА